

ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ЎЗГАРУВЧАН МЕҲНАТ БОЗОРИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

М.А. Бегалиева БТОМ тингловчиси

Олий таълим зарур ихтисосликлар бўйича иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда юқори малакали, меҳнат бозорида рақобатбардош, кучли илм салоҳиятига эга мутахассислар тайёрлашга даъват этилган.

Аммо, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёв таъкидлаганидек, “Афсуски, аксарият олий ўқув юртларида таълим сифати халқаро мезонларга ва реал иқтисодиёт талабларига жавоб бермайди. Ишлаб чиқаришда иш бошлаган кўпгина битирувчиларни аксарият ҳолларда қайта ўқитишга тўғри келмоқда”.

Олий таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар ушбу муассасаларнинг таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмагани оқибатида битирувчиларнинг аксарият қисми тайёр мутахассис бўлиб чиқиши ўрнига, ишга жойлашгандан кейин қайтадан ўз қасбини, мутахассислигини ўрганаётганлиги, шунингдек, таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги, таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги, хорижий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги каби камчиликлар аниқданди.

Олий таълим-ilm-fan-ishlab чиқариш ўртасида узилишлар мавжуд, интеграция таъминланмаган. Илмий-тадқиқот институтлари олий таълимда кадрлар тайёрлаш жараёнига зарур даражада жалб этилмаган, уларда илмий изланишлар иқтисодиёт соҳаларининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқмасдан амалга оширилмоқда. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларнинг тизимли тайёрланмаслиги олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятининг пасайишига олиб келмоқда.

Ўзбекистонда олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан

жихозлаш мақсадида Олий таълим тизимини 2022-2026 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Ушбу дастурга мувофиқ 48 та олий таълим муассасасида жами 180 та ўқув, илмий- лаборатория биноси, спорт иншоотлари ва ижтимоий - мухандислик инфратузилмалари объектларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади. Шунингдек, 53 та олий таълим муассасасида 400 та ўқув лабораторияси босқичма-босқич энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жихозланади, 7 та олий таълим муассасасида барча олий таълим муассасалари ўзаро ҳамкорликда фойдаланадиган илмий лабораториялар ташкил этилади.

Олий таълим тизимини 2022-2026 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун йўналтирилдиган молиявий маблағлар 1,7 триллион сўмдан зиёд бўлиб, улардан 1,2 триллион сўми ўқув-лаборатория бинолари, спорт заллари ва талабалар туарар - жойларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга, 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эса ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва инвентарь билан таъминлаш, умумий тартибда фойдаланишга мўлжалланган, барча таълим муассасаларига хизмат кўрсатадиган лаборатория комплексларини ташкил этиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга сарфланади.

ЮНЕСКО прогнозларига кўра 2025 йилга бориб жаҳонда олий таълим муассасаларида ўқиётган талабаларнинг сони ҳозирги 97 миллион кишидан 260 миллион кишига ортади. Бу меҳнат бозорида рақобатнинг тобора кучайтганлиги ва замонавий инновациявий иқтисодиёт учун тобора кўпроқ олий маълумотлари мутахассислар талаб қилинаётганлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон ҳозирча ҳар 10 минг аҳоли сонига тўғри келадиган студентлар сони бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига сўнгги ўринлардан бирини эгаллашини кўрсатиш лозим (2.2-жадвал).

1-жадвал

**Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига ҳар 10 минг аҳоли сонига
тўғри келадиган студентлар сони**

Мамлакатлар	Ҳар 10 минг аҳоли сонига тўғри келадиган студентлар сони
Россия	355,6
Беларусь	354,2
Қирғизистон	338,4
Арманистон	321,2
Украина	320,3
Қозоғистон	260
Молдова	229,9
Тожикистон	216,1
Озарбайжон	166,1
Ўзбекистон	83,7

Шунинг учун миллий иқтисодиёт тармоқдаридаги олий таълимга эга мутахассиларнинг салмоғи у қадар юқори эмас.

Олий таълим тизимида талабалар сонини кўпайтириш билан бир қаторда мамлакатнинг замонавий иқтисодиёти учун юқори малакали мутахассилар тайёрлаш учун таълим сифатини ҳам тубдан яхшилаш керак. Ана шу мақсадда замонавий инновациявий педагогика услубларидан самарали фойдаланиш, айниқса муҳимдир. Улар учта таркибий қисмдан: дарсни бошқариш, ахборотни етказиш воситаси турлари ва билим олишни бошқаришдан иборатдир. Ушбу изчиллик педагогик технологиялар номини олган.


Инновациявий педагогик технологиялар анъанавий ўқитишдан туб жиҳатдан фарқ қиласди. Агар анъанавий таълим жараёнида педагог-таълим бериш жараёнида марказий ўринни эгаллаб, билимнинг ягона манбаси бўлса, инновациявий педагогик технологияларда таълим жараёнида талабамарказий ўринни эгаллайди.

Таълим беришнинг бундай инновациявий шаклларида ўқувчиларда шахсий ва ижодий фаоллик, мустақил ва ноанъанавий фикрлаш, гуруҳда биргаликда ишлаш қобилияти, қарор қабул қилиш учун масъулиятни зиммасига олиш каби бозор иқтисодиёти шароитларида жуда муҳим ҳисобланган, шахснинг ижтимоийлашувига кўмаклашадиган хусусиятлар шаклланади.

Европа Комиссиясининг Таълим дастури доирасида ишлаб чиқилган “Европада таълим тузилмаларини такомиллаштириш”да (“TUNING

educational structures in Europe") касбий таълимда шакллантирилиши зарур бўлган икки: умумий ва ихтисосга доир компетенциялар белгилаб қўйилган.

Бунда эҳтиёжлар муттасил янгича шакллантирилиб бориладиган доимий ўзгарувчан жамиятда бевосита умумий компетенциялар ходимларга уларнинг ишга жойлашишларида кенгроқ имкониятлар яратиши кўрсатилади. Шунинг учун талабаларда ҳам назарий, ҳам касбга доир компетенцияларни шакллантирилишга йўналтирилган замонавий таълим дастурлари қуидагиларни қамраб олиши зарурлиги уқтирилади (1-расм):



1-расм. Касбий таълим тизимида компетенцияларнинг шакллантирилиши²

- ресурслар (педагог кадрлар, моддий-техника базаси, таълим фаолиятини ва амалий машғулотларни ўтказиш шароитлари ва бошқалар). Ҳар қандай таълим дастурини амалга ошириш учун бу ресурслар етарли ва сифатли бўлиши шарт;

таълим дастурининг талабга мутаносиблиги. Бунинг учун касбий таълим муассасалари таълим дастурини ишлаб чиқишига иш берувчиларни албатта жалб қилишлари керак;

таълим жараёнини баҳолаш. Бунда таълим дастурларининг самарадорлигининг мезонлари сифатида ижтимоий шериклар-иш берувчиларнинг таълим сифатини, мустақил эксперталар томонидан талабалар билимлари ва амалий кўникмаларининг баҳоланиши билан бир қаторда битирувчиларнинг ишга жойлашиши мониторинги натижалари қабул қилиниши керак.

Олий таълим сифатини ижтимоий-иктисодий соҳаларда олиб

борилаётган ислоҳотлар талабларига мувофиқ юксак даражага кўтариш, шунингдек узлуксиз таълим тизимида таълим сифатини назорат қилишни янада такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш сифати ва ўқув жараёни самарадорлигининг холисона баҳоланишини назорат қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадидаташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси шу мақсадга хизмат қиласди. Унинг таълим сифатини назорат қилишдаги асосий вазифалари сифатида қўйидагилар белгиланган:

таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш, педагог кадрларга малака тоифаларини бериш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш;

идоравий мансублиги ва ташкилий-хукуқий шаклидан қатъи назар, таълим муассасаларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш;

ўқувчилар, талабалар ва тингловчилар билимларининг Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари, давлат талаблари ва малака талабларига мувофиқдигини таҳлил қилиш, таълим муассасалари рейтингини аниқлаш.

Ўзбекистонда таълим тизимининг ислоҳ қилиниши ва унинг касбий меҳнат бозори билан ўзаро боғлиқдиги муаммоларини тадқиқетиш қўйидаги хулосаларни чиқариш имконини берди:

Ўзбекистонда бугунги кунда таркиб топган таълим тизими ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни зарур ихтисосликлар бўйича иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда тайёрлаш, уларни бевосита корхоналар, муассасалардаги техника, технология, ишлаб чиқариш муносабатларига ҳамда истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш, эгаллаган касби ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришда жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Конуни 2020 йил 23 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони 2022 йил 28 январь.
3. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон нашриёти - “Янги Ўзбекистон стратегияси” – Тошкент 2021 йил